Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!

ТУРКИСТОН

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий газетаси

1994 йил 23 ноябрь • Чоршанба • № 88 (14249) ترکستان ✽ TURKİSTAN Сотувда эркин нархда

Сайловлар сари яна бир қадам

ЁШЛАРДАН МУНОСИБ НОМЗОДЛАР

Мамлакатимиз ҳаётида яна бир тарихий давр кечаётир: яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзодлар кўрсатиш ниҳоясига етган эди. Сиёсий партиялар ва ҳокимият вакиллик органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни ва депутатликка номзодларнинг тегишли округлардан номзодлари овозга қўйилишида рози эканликлари тўғрисидаги аризаларини кўриб чиқиб, Марказий сайлов комиссияси уларни рўйхатга олиш ҳақида қарор қабул қилди.

250 сайлов округидан жами 643 номзод депутатлик ваколати учун баҳслашади. Халқ демократик партияси, "Ватан тараққиёти" партиясининг вакиллик органлари кўрсатган бу номзодлар — элим деб, юртим деб ёниб яшаётган юртимизнинг заҳматкашлари — ишчию зиёлилар, хотин-қиз-у, бинокору миришкор деҳқон — хуллас, турли соҳа кишиларидир.

Шуни ҳам айтиш керакки, 643 номзоднинг 62 нафари ҳозирги Олий Кенгаш депутати, 50 нафари хотин-қиз, 438 нафари Халқ демократик партияси аъзоси, 115 нафари "Ватан тараққиёти" партиясининг аъзоси, шунингдек, номзодлар орасида партиясизлар ҳам мавжуддир. Аксарият номзодлар олий ёки тугалланмаган олий маълумотга эга, 21 номзод ўрта маълумотли.

Республикамиз бўйича тузилган 250 округ ва 7192 участка сайлов комиссияси намунали тарзда ишлаб турибди. Ушбу комиссиялар таркибига меҳнат жамоаларида обрў-эътибор ва ҳурмат қозонган муносиб кишилар киритилгандир.

Ҳа, депутатлар сайлови Ўзбекистон тарихида биринчи марта кўппартиявийлик асосида ўтади.

25 декабрь — сайловлар куни

Муносиб номзодлар орасида Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи вакиллари ҳам борлиги бизни хушнуд этади. Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан депутатликка номзоди кўрсатилган тенгдошларимиз — ёшлар етакчилари ҳақида биз ҳали алоҳида ҳикоя қиламиз. Ҳозирча танишинг:

Бухоро вилоятининг 64-Қоракўл сайлов округидан Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Қоракўл туман қўмитаси биринчи котиби РАЗЗОҚОВ Қосимжон Рўзиевич номзоди ҳам кўрсатилган. У 1964 йил туғилган, ХДП аъзоси.

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Самарқанд шаҳар қўмитаси биринчи котиби УСМОНОВ Талъат Субҳанқулович номзоди эса Самарқанд вилоятининг 108-Беруний сайлов округидан кўрсатилган. У 1960 йилда туғилган, ХДП аъзосидир.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашларига кўрсатилган номзодлар орасида ҳам мамлакатимизнинг юзлаб оловқалб ёшлари борки, сайловчилар кўнглига йўл топиб, уларнинг ишончига сазовор бўлишларида тенгдошларимизга муваффақият тилаб қоламиз!

Диққат, янгилик!

ОМАДИНГИЗ КЕЛСИН !

Янги йил арафасида нимани орзу қилсангиз, ўша орзуингиз ушалади, деган гап бор. Кутилмаган совға олишни, бахт этагидан ушлашни орзу қилаётганлар ҳам ўз орзуларига эришишлари мумкин. "Совға" деб номланган янги пул-буюм лотереясининг муассислари яқинлашиб келаётган янги йил арафасида бизга ана шундай имконият ҳадя этишди. Муассислар орасида республика Молия вазирлиги, Марказий банки, Ўзбекистон Жамғарма банки, "Ўзбексавдо" Давлат акционерлик компанияси, "Ўзбекбирлашув" бор.

ЎзА мухбирининг илтимосига биноан, республика молия вазирининг ўринбосари Абдулла АБДУҚОДИРОВ 1994 йилда янги лотерея ўйинини ўтказиш шартлари ва тартибини шарҳлайди.

Маълумки, бу йил республикамиз ҳукумати аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш юзасидан катта тадбирларни амалга оширди. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш 1995 йилда ҳам давом эттирилади ва кучайтирилади. Бироқ, ҳаракатда-баракат, деганларидек, биз ҳам ҳаракат қилиб, ижтимоий дастурларни пул билан таъминлашнинг қўшимча манбаларини топиш мақсадида аҳолининг пулини жалб этишга аҳд қилдик. Шу мақсадда ва республикада пул муомаласининг мустаҳкамланиши муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси "Совға" лотереясини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилди.

— Лотереяга бундай жозибали ном берилиши тасодиф эмасдир?

— Тасодиф эмас, албатта. Лотерея ўйини республика аҳолисига янги йил арафасида яхши совға бўлади. Ўйин байрам арафасида 28-29 декабрь кунларида Тошкентда бўлиб ўтади. Билетнинг баҳоси қиммат эмас, атиги 10 сўм. Аммо, омадингиз келиб қолса, қиймати 5200 АҚШ доллари ёки 187 минг сўм турадиган "Тико" Жанубий Корея автомобилини ютишингиз мумкин. Дарвоқе, қирқта ана шундай машина ўйналади. Умуман, соврин жамғармаси жуда катта.

— Омади кулиб боққан кишилар яна нималарни ютиши мумкин?

— Ютуқлар орасида 35 хилдан ортиқ буюм бор. 400 та "Фунаи" видеоаппарати, телевизорлар, Хива гиламлари, юмшоқ мебел, ошхона мебели шулар жумласидандир. Лотереяни сотишдан тушадиган пулнинг етмиш фоизи ютуқларга сафрланади. Бу жуда катта пул. Одатда ютуқни тўлашга тушумнинг эллик фоизи ажратилар эди. Бу лотерея ҳукумат ҳомийлигида чиқарилгани ва мустақил Ўзбекистонда биринчи марта ўйналаётгани сабабли муассислар ютуқни тўлашга кўпроқ пул ажратишни лозим топди.

Чиқарилган лотерея билетларининг умумий сони 20 миллион дона. Унда 140 миллион сўмлик 2.476 мингта ютуқ ўйналади. Шундан 88 минг 120 таси буюм ва 2.387.800 таси пул ютуғидир.

— Лотерея билетлари қачон сотишга чиқарилади, уларни қаерда сотиб олиш мумкин?

— Республика ҳудудида 20 ноябрь куни Ўзбекистон Жамғарма банки, алоқа бўлимлари, давлат савдоси ва матлубот кооперацияси корхоналари орқали, шунингдек шартнома асосида жалб этилган шахслар ёрдамида лотерея билетларини сотиш бошланди.

— Ютуқларни ўз вақтида тўлашга кафолат бериладими, бу иш қай тартибда амалга оширилади?

— Лотерея бўйича пул ютуқларини Ўзбекистон Жамғарма банкининг барча муассасалари ютуқ чиққан билет тақдим этилиши биланоқ тўлайди. Буюм ютуқлари эса ютуқ чиққан билет текширилганидан сўнг тўланади. Бундай буюмларни Ўзбекистон Жамғарма банкининг ҳужжатлари асосида "Ўзбекбирлашув"нинг "Матлуботчи" савдо акционерлик жамияти топширади ва жўнатади.

Лотерея билетлари пул ёки буюм ютуқларини олиш учун 1995 йил 30 июнга қадар тақдим этилиши мумкин. Шу муддатдан сўнг улар кучини йўқотади ва тўлаш учун қабул қилинмайди.

Хуллас, республикамиз аҳолисини хурсанд қилишга, янги йил байрами улар учун янада қувончли бўлишига ҳаракат қиламиз.

«СОВҒА» — АЙНАН СИЗ ОРЗУ ҚИЛГАН ЛОТЕРЕЯ !

Илгари ҳеч қачон бунақаси бўлмаган — "Совға" лотереяси ютиб олишингиз учун Сизга кенг имкониятлар беради. Ютуққа автомобиллар, видеоаппаратуралар, телевизорлар, мебель жамламалари, гиламлар, эҳ-ҳе, яна қанчадан-қанча халқ истеъмол буюмлари қўйилади.

ЮТУҚЛАР... ЮТУҚЛАР... ЮТУҚЛАР...

"Тісо" автомобили — 40 дона
"Funal" видеоиккилиги — 400 дона
"Зафар" телевизори — 160 дона
"Семурғ" телевизори — 2080 дона
Юмшоқ мебель жамламаси — 2240 дона
Ошхона мебели жамламаси — 960 дона
Далаҳовли мебели жамламаси — 4000 дона
Гилам 2х3 — 8000 дона
Болалар аравачаси — 2160 дона
"Антошка" аравачаси —1240 дона
"Семурғ" радиоприёмниги — 1680 дона
Аккумулятор — 400 дона
"Барокко" соати — 4000 дона
Аёллар пальтоси — 760 дона
Эркаклар костюми — 800 дона

РЎЙХАТНИ ЯНА ДАВОМ ЭТТИРИШ МУМКИН. УЛАР ЖУДА-ЖУДА КЎП !

Ютаман деган одам борки, ниятига етади. Бошқача қилиб айтганда, лотереяни чиқаришга кетган умумий маблағнинг 70 фоизи ютуқ миқдорини ташкил этади.

"СОВҒА" лотереяси билетлари "Ўзжамғармабанк"нинг барча муассасаларида, алоқа бўлимларида, савдо шаҳобчаларида ва жамоатчи тарқатувчилар томонидан сотилади.

Билет нархи — 10 сўм.

"СОВҒА" лотереясини харид қилишга шошилинг! Ютуқлар тиражи 1994 йил 28-29 декабрь кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилади.

"СОВҒА" лотереяси — оилангиз учун энг яхши туҳфа!

"СОВҒА" лотереясини сотиб олиб, Сиз қимматбаҳо ютуқнинг бахтиёр соҳиби бўласиз. Сизларни автомобиллар, видеоаппаратуралар, телевизорлар, мебель жамламалари ва бошқа халқ истеъмоли буюмлари кутмоқда.

Янада тўлароқ маълумотларга эга бўлай десангиз "Ўзжамғармабанк"нинг исталган муассасалари, алоқа бўлимларига мурожаат этишингиз ёки бўлмаса,

45-35-49; 45-66-43; 33-51-95

телефонларига қўнғироқ қилишингиз мумкин.

ЎЙНАНГ ВА ЮТИБ ОЛИНГ. ОМАД СИЗГА ЁР БЎЛСИН!

МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ · МАРКАЗИЙ БАНК · ЖАМҒАРМА БАНКИ · "ЎЗБЕКСАВДО" · "ЎЗБЕКБИРЛАШУВ"

Эл маъмурчилиги учун

Дастурхоннинг кўрки — нон

Уни ўз қўлимиз билан яратамиз — дейди Касби тумани Навоий жамоа ширкати деҳқонлари

Маълумки, аҳолининг дон ва дон маҳсулотларига бўлган талаби кун сайин ортиб бораяпти. Буни қалбдан тушунган Қашқа воҳасидаги Касби туманининг Алишер Навоий номли жамоа-ширкат хўжалиги деҳқонлари кузги дон экишни туманда биринчилардан бўлиб тугаллашди. Қисқа вақт ичида 1100 гектар суғориладиган майдонга барака уруғи ташланди.

Шуниси эътиборлики, хўжалик раҳбарлари халқ эҳтиёжидан, шароит ва вазиятдан келиб чиқиб, бу йил ялпи ғалла майдонини 200 гектарга кўпайтирди. Бу асосан пахта майдонлари ҳисобига амалга оширилди. Чунки, олдинлари бир майдонга ҳар йили пахта экилавериб, ернинг таркиби анча ёмонлашиб қолган. Алмашлаб экиш тадбири эса фақатгина қоғозда бажарилиб келинган. Қачонки, деҳқонларимиз ўз ерига ўзи хўжайин эканликларини ҳис этгач, пахта яккаҳокимчилигига кескин барҳам берилди. Пахта-ғалла-макка-беда каби экинларни алмашлаб экиш тўғри йўлга қўйилди. Биз бу билан мазкур хўжаликда ғалла экиш пахта майдонлари эвазига кўпайди демоқчи эмасмиз. Бу "анъана" республикамизнинг барча хўжаликларида ҳукм сурди десам асло хато қилмайман.

— Ғаллачилик — хўжалигимизда муҳим тармоқлардан бири, — дейди биз билан суҳбатда хўжалик раҳбари Зикриё Асроров. — Биз асосан суғориладиган майдонларга дон экамиз. Аввало шуни айтиш керакки, хўжалигимизда лалмикор майдонга экилган доннинг униб чиқиши, ривожи, олинадиган ҳосили учун ҳеч ким кафолат қилаолмайди. Бу об-ҳавонинг қандай келишига боғлиқ. Мен хўжалик раҳбари ва мутахассис сифатида кўпинча суғориладиган майдонга дон экишни мақсадга мувофиқ деб биламан. Бу билан мутлақо лалмикор майдонга дон экманглар демоқчи эмасман. Баъзи ҳудудларимиз борки, ғалла экилган майдонларни суғориш имкони йўқ. Лекин орамизда шундай раҳбарлар ҳам йўқ эмаски, сувли ғалла экиш ва уни парваришлаш имкони бўла туриб, бу имкониятдан оқилона фойдаланишмайди.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Р. ҲУСАНОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Расулмат Ҳусанов Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1994 йил 22 ноябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЭКИНЛАРНИ ПАЙХОН ҚИЛИШГА ҚАРШИ КУРАШНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ғалла экинлари нобуд бўлишининг олдини олиш, уларнинг сақланишини таъминлаш ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг назоратсиз қолиб, пайхон қилиниши ҳолларига йўл қўймаслик мақсадида:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ҳокимлари, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари, мулкчилик шаклидан қатъи назар хўжаликлар раҳбарлари қишлоқ хўжалик экинзорларида мол ва парранда боқиш, бу майдонлардан автотранспорт ёки қишлоқ хўжалик техникасининг ўтиши, мол ҳайдаб ўтиш ва экинларни нобуд қилиш мумкин бўлган бошқа холларга қарши курашни кучайтирсинлар.

2. Экинзорларнинг эгаси бўлган ёки бу экинзорлар хусусий мулки бўлган хўжаликлар раҳбарларига ички ишлар органлари ва фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари вакиллари билан ҳамкорликда экинзорларни пайхон қилиш ҳолларини аниқлаш ҳамда бундай бузғунчиликка йўл қўймаслик мақсадида мунтазам равишда рейдлар ўтказиш топширилсин. Пайхон қилиниши ўнғай бўлган жойларда кузатув постлари ўрнатилсин.

Экинларни пайхон қилиш холлари содир бўлганда мол, парранда, автотранспорт, қишлоқ хўжалик техникаси ёки экинни пайхон қилган бошқа техника воситасининг эгалари тезлик билан аниқланиб, материаллар айбдорларни қонун ўрнатган тартибда моддий, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиш учун тегишли органларга топширилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона, ташкилот ёки фуқароларга тегишли бўлган пайхон қилувчи воситалар нобудгарчилик натижасида етказилган зарар тўла қоплангунига қадар эгасидан олиб қўйилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги экинзорларни пайхон қилишнинг олдини олувчи долзарб зарур чора-тадбирларни кўрсин, пайхон қилишнинг олдини олиш ишларини бажарувчи махсус постлар ўрнатсин, амалдаги қонунчиликка қатъий риоя қилган ҳолда бузғунчиларга нисбатан кескин чоралар кўрсин, экинзор пайхон қилинган ҳар бир ҳол юзасидан биронта ҳам айбдорни жавобгарликка тортмай қўймасин.

5. Прокуратура ва ички ишлар органлари, маъмурий комиссиялар, судлар экинзорларни пайхон қилиш ҳақидаги материалларни олиши билан тезда кўриб чиқсин, айбдорларга озодликдан маҳрум қилишга қадар қаттиқ жазо чораларини қўлласин.

6. Ўзбекистон Республикаси прокуратураси экинзорларни сақлашни таъминлашга қаратилган қонунчиликнинг бажарилиши юзасидан назоратни кучайтирсин.

7. Мазкур фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Б. Мустафоев, Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари, ҳуқуқ-тартибот органлари, хўжаликлар ва фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари раҳбарлари зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1994 йил 21 ноябрь.

ТРОЛЛЕЙБУСДА БИР СОАТ...

ЯРИМ МИЛЛИОН ЙЎЛОВЧИ ДУОСИ

- **Ўзбекистоннинг "Наврўз" номли троллейбуси**
- **Чехиянинг "Шкода"сида кезмоқ яхши...**
- **"Татра" трамвайида эса ундан ҳам.**

(2-бетга қаранг).

"ЭКОСАН" ХАЛҚАРО ЭКОЛОГИЯ ВА САЛОМАТЛИК ЖАМҒАРМАСИНИ ДАВЛАТ ЙЎЛИ БИЛАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТЎҒРИСИДА

"Экосан" халқаро экология ва саломатлик жамғармаси Ўзбекистон ва бутун Марказий Осиё минтақаси экология ҳолатини яхшилашга, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга, аҳолининг саломатлигини ҳимоя қилиш ва соғлом зурриётни сақлаб қолишга қаратилган дастурлар ва лойиҳаларни фаоллик билан амалга оширмоқда.

Республика Вазирлар Маҳкамаси "Экосан" халқаро экология ва саломатлик жамғармасини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш тўғрисида" қарор қабул қилди. Мазкур қарорда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига, Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари бўлган бошқа вазирликлар ва идораларга, Халқ таълими вазирлигига олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг ўқув режалари, дастурлари ва услубий қўлланмаларига экология курсини, мактабларнинг ўқув дастурига эса экологик тарбия дарсларини киритиш топширилди.

"Экосан" жамғармасининг хайрия фаолиятини кенгайтириш мақсадида унга лотереялар ташкил этиш, маҳсулотлар ва буюмлар ишлаб чиқариш, шунингдек кўргазмалар, санъат усталарининг томошалари ва бошқа тадбирларига чипта ишлаб чиқариш, жамғарма корхона ва ташкилотларнинг хизмат ва молларини чет элга чиқариш ва чет элдан маҳсулот келтириш, қўшма корхоналар барпо этиш ҳуқуқи берилди.

Ташқи ишлар вазирлигига, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига, "Ўзулгуржибиржасавдо" уюшмасига халқаро ташкилотлар, молия институтлари, хорижий фирмалар билан алоқаларни, жумладан тижорат-иқтисодий алоқаларни йўлга қўйишда, шунингдек республикадаги экология ҳолатини яхшилашга қаратилган лойиҳаларни пул билан таъминлаш ва амалга ошириш учун сармоядорларни жалб этишда, "Экосан" жамғармасига ҳар томонлама мадад бериш топширилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларига, "Экосан" жамғармаси марказий идораси ҳамда, унинг вилоят, шаҳар ва туман бўлимларини жойлаштириш учун бинолар ва ер ажратиб бериш масаласини ҳал қилиш тавсия этилди.

Ўзбекистон Республикаси давлат телекўрсатув ва радиоэшиттириш компаниясига телевидение ва радио дастурларига ҳамда матбуот нашрларига "Экосан" халқаро экология жамғармасининг мақсадлари, вазифалари ва фаолиятини кенг ёритиш учун "Экология ва саломатлик", "Экосан" хабарномаси" деб номланган махсус рукнлар киритиш топширилди.

(ЎзА).

"Туркистон" газетаси 70 йиллиги олдидан





ЛИФТ ЗАВОДИДА... 45 ТУРДАГИ МАҲСУЛОТ

Самарқанддаги "Шарқлифт" — "Ўзбекистон-Россия" қўшма корхонаси республикамизда ягона лифт ишлаб чиқаришга мослашган завод ҳисобланади. Бу завод бугунги кунда Россиянинг Магнитогорск, Челябинск, Тюмень, Уфа, Красноярск, Барнаул, Томск каби йирик шаҳарларда жойлашган ишлаб чиқариш корхоналари билан шартномалар тузиб, буюртмаларни бажармоқда. "Шарқлифт" ҳозирги пайтда Белорусь, Украина, Озарбайжон, Арманистон, Қирғизистон, Қозоғистон ва Туркманистон давлатлари билан ҳамкорлик қилмоқда. Буюртмалар ўз вақтида тайёрланиб, эгаларига етказилмоқда.

Корхона ўз имкониятларини кенгайтирган ҳолда қўшимча маҳсулотлар ҳам ишлаб чиқармоқда. Бу ишлаб чиқарилаётган қўшимча маҳсулотлар корхонани иқтисодий тангликдан олиб чиқишга йўл очди. 45 турда ишлаб чиқарилаётган халқ истеъмол моллари корхона чиқитлари ҳисобига тайёрланмоқда. Уй-рўзғор буюмлари, мураккаб маиший техника, ёғочга ишлов бериш дастгоҳи, сув сўрғичлари, челак, боғда ишлатиладиган йиғма ускуналар, ҳар хил турдаги жавонлар, ўқувчилар учун синф парталари харидоргир бўлмоқда. Халқ истеъмол моллари ёғоч ва пластмассалардан тайёрланмоқда.

Бу йирик корхонада бир ярим минг киши меҳнат қилади. Шундан 1365 киши бевосита ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлганларнинг ўртача ойлик маоши 180 сўмдан 1100 сўмгача бўлмоқда.

Бугунги иқтисодий мураккабликлар даврида аввалгидек ҳар бир корхона ишчиларининг эҳтиёжига қараб, уларни уй билан таъминлаш қувватига эга эмас. Шуниси қувонарлики, бу корхона ишчиларининг 90 нафари янги уй билан таъминланди. Янги хонадонларга кўчиб ўтган ишчилар имтиёзли равишда уйли бўлдилар. Улар уйнинг таннархининг 30 фоизини тўлайдилар.

Корхонанинг соғломлаштириш масканлари ҳам мавжуд. Шундай масканлардан бири Каттақўрғон сув омборида жойлашган. Бири эса — Ургут тоғ ёнбағридадир. Корхона қошида бир неча болалар боғчаси мавжуд бўлиб, унда тарбияланаётган болалар корхона таъминотида.

Корхонада ҳафтада 4 кун ишчи куни ҳисобланса ҳам, маҳсулот ишлаб чиқариш мўлжалланганча бўлмоқда. Бу, албатта, илғорлик натижасидир. Ана шундай илғорлардан Ғ. Қосимова, Ш. Аҳмаджонова, У. Раимов, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш цехи бошлиғи В. Сотурян, К, Хонкелдиев, М. Сараев, Ф. Каттаев, Г. Шукурова, Х. Ражабов кабилар бошқаларга ўрнак эканлигини директор фахр билан гапирди.



СУРАТЛАРДА: корхона фаолияти, ишчилари ҳаётидан лавҳалар.

Гули ЧЕҲРА,
"Туркистон" мухбири.
Зоир ХОЛМИРЗО,
Суратқаш.

Эл маъмурчилиги учун

ДАСТУРХОННИНГ КЎРКИ-НОН

(Боши 1-бетда.)

— Зикрё ака, куйиниб гапирганингизда жон бор. Хусусан сиз раҳбарлик қилаётган хўжаликда бу тадбир қандай амалга оширилаётир?

— Саволингиз ўринли. Ҳамма ҳам насиҳат ва маслаҳат беришни яхши кўради. Бу билан мен ҳам шундай кишилардanman демоқчи эмасман. Шунчаки дилимдагини тилимга чиқардим, холос. Энди хўжалигимиз хусусига келсак, бизда бу соҳадаги натижалар гарчи салмоқли бўлмасада, ўзимизни қониқтиради. Биргина шу йил ҳар гектар ғалла майдонидан 35,5 центнердан дон ҳосили олинди. Буюртма бўйича давлатга 1050 тонна дон топширишимиз керак эди. Биз бу кўрсаткични 1500 тоннага етказдик. 600 тонна донни эса хўжалигимизда истиқомат қилувчи аҳолига арзон нархларда сотдик. Уруғлик дон ҳам ўзимиздан чиқади. Бошқа жойдан сотиб олмаймиз. Энди келгусидаги режалар ҳақида гапирадиган бўлсам, биз ҳар йили суғориладиган ғалла майдонларини кенгайтириб борамиз. Ғалла ҳосилдорлигини эса гектар бошига 40-45 центнерга етказмоқчимиз. Бунга эришиш ўз қўлимизда. Фақатгина ғаллачилик соҳасидаги меҳнатни тўғри йўлга қўйиш лозим.

Ҳа, хўжалик раҳбари дилидагини гапирди. Қачонки биз жамоанинг ғалла экилган майдонларини кўз билан кўриб, аҳолиси билан юзма-юз гаплашганимиздан сўнг бунга тўлиқ ишонч ҳосил қилдик. Мазкур хўжалик маъмуриятининг дон мустақиллигини таъминлаш борасидаги иш тажрибасидан бошқа хўжалик раҳбарлари ҳам ибрат олса арзийдилар.

А. САМАРИДДИНОВ.
"Туркистон" мухбири.

Шу сонга хабар

ЎЗБЕКИСТОН — ИНТЕРПОЛ АЪЗОСИ

Италия пойтахти Рим шаҳрида ўтган 63-Бош ассамблеянинг сессиясида Ўзбекистон республикаси ички ишлар вазирлигининг халқаро жиноятчиликка қарши олиб бораётган ишлари инобатга олиниб, у бир овоздан ИНТЕРПОЛ сафига қабул қилинди.

Бу йирик анжуманда Ўзбекистон ички ишлар вазири, Зокир Алматов бошчилигидаги делегация қатнашди. Ҳамда Зокир Алматов республикамизда жиноятчиликка қарши кураш, бу борадаги ишлар хусусида атрофлича сўзлаб берди.

Ўзбекистон милицияси ИНТЕРПОЛнинг 156-аъзоси бўлиб кирди. Энди мамлакатимиз ҳам Япония, Миср, АҚШ, Хитой, Мексика каби давлатлар қатори халқаро миқёсда иш олиб боради.

Бу эса халқимизнинг тинч ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлайди.

З. МУҲАММАДЖОНОВ,
Халқаро ҳуқуқшунослар ассоциацияси аъзоси.

Қанотли хабар

ҚУТЛУҒ САНА ШАРАФИГА

Бу йил Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ташкил топганига 60 йил тўлади. Ҳозир республикамизнинг барча вилоят ва туманларида ана шу қутлуғ санага бағишлаб турли тадбирлар, қизиқарли ва мазмунли учрашувлар ўтказилмоқда.

Қашқа воҳасида ҳам юбилей шарафига бир қатор тадбирлар уюштирилмоқда. Тадбирларни ташкил этиш ва уни ўтказишда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимининг хизмати катта бўлаётир. Мазкур бўлим масъул котиби, ёзувчи Шарофат Ашурованинг ташкилотчилиги туфайли икки марта вилоят муаллимлар малакасини ошириш институтида ва Қамашидаги қишлоқ хўжалик техникумида қизиқарли учрашувлар бўлиб ўтди. Учрашувда маҳаллий ижодкорлар Баҳром Маҳмудов, Иброҳим Пайдо, Гулнора Аҳмедова, Гулмурод Мингбоев, Саодат Тожилар қатнашчиларга ўз ижодларидан намуналар ўқиб беришди.

— Вилоятимизда 300 дан ортиқ ижодкор бўлиб, улардан 17 киши Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзосидир, — дейди биз билан суҳбатда Ш. Ашурова. — Юбилей муносабати билан бўлим бир қатор аниқ тадбирлар белгилаган. Ҳозир шу асосда иш юритаяпмиз. Биз қутлуғ санага бағишлаб Мўлла Тўйчи Тошмуҳаммедов номидаги вилоят музикали драма театрида, Қарши Давлат дорилфунунида, Усмон Юсупов туманидаги Жейнов жамоа ширкат хўжалигида, Таллимаржон ГРЭСида турли қизиқарли кеча ва учрашувлар ўтказамиз. Шуни ҳам айтишим керакки, юбилей муносабати билан "Қашқадарё баёзи" деб номланган тўплам тайёрлаганмиз. Тўплам яқин кунлар ичида нашрдан чиқади. Унда вилоятдаги 130 ижодкор ёшларнинг шеър ва асарларидан намуналар киритилган.

Дарҳақиқат, Қашқа воҳаси ўзининг ижодкорлари билан республикамизда муҳим ўрин эгаллайди. Шу боисдан ҳам воҳада юбилей шарафига бағишлаб ўтказилаётган ҳар бир тадбир ўзининг мазмуни ва қизиқарлиги билан қатнашчиларда катта таассурот қолдирмоқда.

С. АҲРОРОВ.

Ҳозирги ёшлар

ҒОЛИБЛАР БАҲСЛАШДИ

Куни кеча пойтахтимизнинг 34-мактабида Республика ўқувчилар техник ижодиёти марказининг жумҳурият миқёсида "Ёш техниклар ва ишбилармонлар" кўрик танлови бўлиб ўтди. Халқ таълими вазирлиги иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватловчи "Улуғбек" жамғармаси ва "Тараққиёт" илмий-техник ассоциацияси ҳомийлиги остида ўтган бу танлов, йиғилганларда яхши таъсуротлар қолдирди. Ушбу танловда ўз ҳудудий мусобақаларда ғолиб чиққан 4 жамоа Хоразм, Жиззах, Сурхондарё ва Наманган вилоят жамоалари баҳс юритдилар.

Танлов шартларига биноан қатнашчилар биринчи турда ўз тўгараклари билан боғлиқ бўлган яхши кўрсаткичлар билан бирга учрайдиган нуқсонллар, камчиликлар ва муаммоларни ҳазил мутоиба ва артистлик маҳорати билан театр томошаси орқали ҳакамлар ҳукмига ҳавола этдилар. Бу турда Азизбек Усмонов, етакчилик қилган Наманган вилояти жамоасининг чиқишлари томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинди.

Иккинчи турда ҳам намангаликлар яна бир бор ўз иқтидорларини намойиш этишди. Улар томонидан тақдим этилган универсал электр парламовчи қурулма ҳакамлар тарафидан юқори баҳоланди. Наманганлик ёш техниклар томонидан яратилган бу қурулма ихчам, кўркам, паст кучланишда ишловчи, техник жиҳатдан хавфсиздир.

Учинчи турда иштирокчиларга берилган вазифа янада қизиқарлироқ бўлди. Яъни жамоаларга бир вақтда бир хил материал ва асбоблар ёрдамида ҳаракатланувчи автомобиль чизмасини чизиб, моделини ясаш топширилганди. Бу вазифани Сурхондарё вилоятининг Зулфия Мугинова бошлиқ ёш техниклари жуда ҳам зукколик, топқирлик ва ҳамжиҳатлик билан бажардилар. Улар томонидан тайёрланган "Делфин" номли юк машинаси жуда ҳам ажойиб деб топилди. Кўринишидан "Делфин"ни эслатувчи бу автомобль чўлларда, чангалзорларда ва умуман юриш қийин бўлган жойларда ҳаракатланишга мослашган.

Танлов шартларига кўра жамоаларнинг тўплаган балларини эълон қилиниб ғолиблар аниқланди. Аюбхон Абос Алиев раҳбарлигидаги Наманган вилояти жамоаси 175 балл тўплаб фахрли биринчи ўринни эгалладилар. Галина Буганова раҳбарлик қилган Сурхондарё вилояти жамоасига эса фахрли иккинчи ўрин насиб этди. Ва ниҳоят фахрли учинчи ўринга Мухтор Ғуратов раҳбарлиги остида ҳаракат қилган Хоразм вилояти жамоаси лойиқ деб топилдилар. Ғолиблар таъсис этилган совға ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар.

ҲИКМАТУЛЛОҲ

ХАНДАЛАР

ИККИ ОДАМ ФАҚАТ...

— Талабалик "олтин даврим" деб нима учун айтишади?

— Чунки бу вақтда талаба ҳали уйланмаган бўлади.

***

— Мабодо телбалик қилиб қўйсам одамлардан аввал ўзим қуламан.

— Демак, ҳали — бери ўлмайсиз.

***

— Сендан бўлак ҳеч нарсам қолмади, севгилим!

— Наҳотки, машинангни сотиб юбординг?

***

— Менинг эрим врач, беш дақиқадаёқ беморни наркоз билан ҳушидан кетказа олади.

— Менинг эрим эса боксчи, бу ишни наркозсиз ҳам уддалайди.

***

— Хўш, ишдан бўшамоқчиман денг?...

— Ҳа, чунки мен билан юрган қиз "агар шу ишингиздан бўшамасангиз, сизга тегаман деди ".

***

Кинодан қайтаётиб, хотин эридан сўради:

— Ростини айтинг, фильмда кўринган қизлар ичида мендан чиройлиси борми?

— Йўқ, йўқ, гўзалим! Бу фильм экан-ку, бутун жаҳонда сенга тенг келадигани йўқ.

Хотин жуда ийиб кетипти:

— О-о, қанчалик яхшисиз! Қанчалик вафодорсиз! Қанчалик суюмликсиз...

— ... ва қанчалик қўрқоқман! — деб қўшиб қўйибди эр.

***

Қамоқхона ходими маҳбусни қўйиб юбораётиб деди:

— Кечирасан, янглишиб, сени тўрт кун ушлаб қолибмиз.

— Зарари йўқ, — деди маҳбус. — Менинг ҳисобимга ёзиб қўйинг. Янаги гал ҳисоблашармиз.

***

Икки киши суҳбатлашаяпти:

— Дўстларим ниҳоятда кўп. Бироқ улардан ҳеч нарса сўрагим келмайди.

— Жуда ҳурсандман. Қўлингизни беринг, дўст бўламиз.

***

— Мен шайтоннинг башарасини кўрмоқчи эдим. Бунинг йўли қанақа?

— Йўли жуда осон. Бунинг учун ойнага қарасанг кифоя.

Ярим миллион йўловчи дуоси

ТРОЛЛЕЙБУСДА БИР СОАТ...



(Боши 1-бетда).

Ёмғир шивалаб ёғаётганидан одамлар ўзларини панага олган. Кимдир соябон кўтариб, кимдир бошяланг жўнжикканича ишга шошади. Бекатларда одам тирбанд, тезроқ иссиққина трамвай ёки троллейбус келса-ю, улар манзилларига етиб олишса. Одамлар ҳар тонгда шошадилар, кечқурун эса уйларига, оиласи бағрига мумкин қадар эртароқ бориш учун қуйинадилар. Шаҳар кенг, икки миллиондан ортиқ аҳоли яшайди. Уларнинг узоғини яқин қилиш учун турли хил транспорт воситалари хизмат қилади. Ёмғирми, қорми, совуқми ёхуд жазирама иссиқми, барибир, бекатларда интиқ одамларни учратаверасиз.

Биз ҳам ана шундай инсонларга беминнат хизмат кўрсатаётган трамвай ва троллейбусчилар ҳаётидан бир неча лавҳа ҳикоя қилмоқни лозим топдик.

6-трамвайда академик Ҳабиб Абдуллаев номли кўча бўйлаб кетарканмиз, ёмғир тагида иложсиз ювилаётган дарахтлар, бинолар ва борлиқ қандайдир сокин кўринади. Трамвай тўхтади дегунча, бир тўп одам тушади-ю, яна шунчаси миниб олишади. Учинчи сонли трамвай-троллейбус депосига бориш учун Темур Малик кўчаси бекатидан тушдик. Электр қуввати билан юрадиган транспортлар экологик тоза ҳисобланади. Тонна-тонналаб "қора олтин" таркибидан олинадиган ноёб ёқилғини "еб қўймайди". Қатновнинг эрта тонгдан то ярим тунгача узлуксизлигини таъминлайди. Биз учинчи сонли трамвай-троллейбус депоси бошлиғи Абдуғофур Сартоев билан икки оғизгина суҳбатлашдик.

— Деподан ҳар куни 106 дона трамвай ва 78 та троллейбус йўлга чиқади. Октябрь ойида режани ошириб уддаладик, яъни трамвайчилар 368 минг сўмлик, троллейбусчилар эса 372 минг сўмлик иш бажаришди ёки 6,5 миллион йўловчига хизмат қилишди, — дейди А. Сартоев. — Ҳайдовчиларнинг ўртача маоши 650 сўмдан 800 сўмгача, айримлари 1400 сўмгача маош олишяпти.

Абдуғафур ака зарур ускуналар, эҳтиёт қисмлари олиб келиш мақсадида Россияга тайёрада учиб кетаётган экан. Қисқагина фурсатда юқоридагиларни билиб олишга улгурдик ва 23-сонли трамвай ва троллейбус ҳайдовчилар тайёрлаш билим юрти фаолияти билан ҳам танишдик.

Боғга экилган дарахтлардек қатор-қатор тизилган транспорт воситалари оралаб билим юрти раҳбари Тоир Сафаров билан борарканмиз, ташқаридан оддий кўринган бу соҳанинг ҳам талай қийинчиликлари, муаммолари, ютуқлари ва заҳматкашлари борлигини ҳис қилдик. Тоир ака билим юртини тугатиб ўз интилиши ва меҳнатсеварлиги билан жамоа олдида шараф топаётган Тўйчи Олтинбоев, Наргиза Исломова, Ботир Султонов, Владимир Куксин, Николай Закутаев каби изланувчан инсонларни таништириб ўтди. Уларнинг юзидаги самимийлик, ўз ишидан мамнунлик бошқаларда ҳам иштиёқ туғдираётганини ҳам сездик.

— Ҳар уч ойда троллейбус ва трамвай ҳайдовчилари ҳамда чилангарлар тайёрлаш бўйича ўқувчилар қабул қиламиз, — дейди Т. Сафаров, — Бизни қийнаётган бир муаммо бор, у ҳам бўлса дарсликларнинг тўлиқ рус тилида эканлиги ва ўқув-машқ транспортларининг мунтазам эмаслигидир. Яъни ўқув-машқ учун ажратилган троллейбусларнинг ҳам мажбурий "олтин даҳиқаларда" йўналишларга қўйилиши туфайли ҳайдовчилар шогирдларга етарлича вақт ажрата олмаётганлигидир.

Изоҳ: "Олтин даҳиқа" деб йўловчилар кўпаядиган тирбанд вақтга айтилади.

Шундай қилиб, бу ердан деярлик зарур маълумотларни олиб Ўзбекистон республикаси "Тошшаҳарйўловчитранс" Давлат уюшмаси трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасига ҳам йўлимиз тушди. Бошқарма бошлиғи Ҳусниддин Маҳкамов хушнудлик билан бизни қабул қилиб, қуйидагиларни айтиб берди:

— 38 фоиз йўловчиларни ана шу беминнат машиналарда ташиймиз. Ҳар куни шаҳар бўйлаб 300 трамвай, 250 — 260 троллейбус ҳаракатга чиқади. Мустақилликнинг дастлабки икки йилида эҳтиёт қисмлари, машиналар ва бошқа нарсаларнинг етишмаслигидан қийналгандик. 1994 йил ҳақиқатдан ҳам қутлуғ келди. Президентимиз Ислом Каримовнинг экологик тоза ҳамда тўхтовсиз йўловчиларнинг "жонига аро" кирувчи транспорт воситасига жиддий эътибор беришлиги натижасида ҳукуматимиз ажратган эркин муомиладаги валютага Чехиядан 65 та "Шкода" троллейбуси, 5 "Татра" трамвай олдик. Яна 20 та "Шкода" ва 35 та "Татра"га валюта тўланган, булар ҳам тез орада етиб келади. Шунингдек, Россиянинг Саратов вилоятидаги Энгельс шаҳри троллейбус корхонаси билан келишиб, пойтахтимизда қўшма корхона очяпмиз. Худо хоҳласа, келаси Наврўз байрамига ана шу қўшма корхонанинг илк иккита "Наврўз" троллейбуси совға қилинади. Бундан ташқари 200 дан ошиқ номдаги эҳтиёт қисмларни ўзимиз тайёрлаяпмиз. Сирғали туманида йилига 400 та троллейбусни қайта таъмирловчи корхона қуриляпти. "Фотон" ишлаб чиқариш бирлашмаси зарядлаш қурилмасини, Жиззахдаги корхона эса аккумуляторларни ясаб беришмоқда. "Кимё" саноати концерни билан ҳамкорликда ғилдиракларни тўхтатиш мосламасини тайёрлаш йўлга қўйиляпти. Хуллас, қараб турганимиз йўқ. Резенали жиҳозларми ёки бошқа нарсаларни ҳам иложи борича ишлаб чиқилмоқда. Шу пайтгача Уралда ясалган троллейбуснинг шоҳи, ҳаво ёстиқчалари кабиларни Ангренда тайёрлаш кўзда тутилган.

Дунё бўйича ўзини-ўзи қоплайдиган электр транспорти йўқ. Мисол учун трамвайга йўл, симёғоч, сим керак, троллейбусга ҳам симёғоч, сим, ўзгарувчан қувватни ўзгармас қувватга айлантирувчи манбалар зарур. 1994 — 1995 йилларда шаҳар бўйлаб 124 километр троллейбус йўли ва 15 километр трамвай йўли қурилади. Шароитнинг қийин бўлишига қарамасдан мамлакатимиз Вазирлар Маҳкамасида электр транспортини бутун республикада тараққий топтириш бўйича фармойиш тайёрланмоқда. Шунинг учун ҳам бугунги пайтда бу соҳада малакали мутахассислар тайёрлаш, қўшма корхона очиш, таъмирлаш корхоналари қуришга эътибор қаратилган.

Тошкент автомобиль йўллари институтида трамвай-троллейбусни таъмирлаш ва ишлатиш соҳаси бўйича бўлим очилди. Айни дамда Россиянинг Урицкий номли корхонасидан 200 та троллейбус олишга маблаг ажратилди. 24 та янги қувват манбаси қурилмоқда. Бундан ташқари жанубга мослаштирилган 10 та қўшма троллейбус ҳамда 40 та оддий троллейбус харид қилиш учун шаҳар ҳокимиятидан валюта ажратилган. Келгусида Россиянинг "Техникмарказ" ҳиссадорлик жамиятининг кўмаги билан "Тошэлектротрассервис" ташкилоти иш бошлайди. У бизнинг кўплаб муаммоларни ҳал этиши мумкин, — дейди Ҳусниддин Маҳкамов.

Дарҳақиқат, кунига ярим миллиондан ортиқ аҳолига хизмат қилаётган электр транспорти ходимларининг олдида эндиликда янада кўп вазифалар турибди. Жумладан, Фарҳод бозоридан Талабалар шаҳарчасига, Сирғали туманидан Қўйлиқ бозорига, Шимолий темир йўл шоҳ бекатидан Олой бозорига каби йўналишларда янги йўллар барпо қилиш, чет эл корхоналари ва фирмалари билан ҳамкорликни кучайтириш кабилар. Ҳозир бу соҳада Тошкент шаҳрида олти минг киши меҳнат қилади.

Мана, қисқагина мулоқотлар ниҳоясига етди. Мамлакатимиздаги 7 шаҳарда троллейбус бор. Мабодо, юртимиздаги элликка яқин шаҳарларнинг барчасида ёки уларнинг оралигидаги масофаларда ҳам ана шундай қувват билан юрувчи транспорт воситалар ҳаракати йўлга қўйилса кўплаб инсонларнинг борар ерлари яқин, алоқалари мустаҳкам бўларди. Бу ҳақда кейинги мақолада суҳбатлашамиз. Айниқса тоғлар бағрига жойлашган юртпарвар ургутликлар троллейбусда шаҳар кезишларига имкон яратилаётганлиги борасида...

Тўлқин ЕРҚУЛОВ,
"Туркистон"нинг махсус мухбири.

Ўн саккизга кирмаган ким бор?

Сиз ҳам севганмисиз?

АДОЛИК НАДИР ЎЗИ, ШАЙДОЛИК НАДИР ЎЗИ?..

Ўн саккиз ёшлилар олами умр саҳифаларидаги ҳар бир сўз билан ифодалаб бўлмаслиги, на баҳо бирла тенглаб бўлмаслиги, на тасвир ила намоён этмаслиги бир даврким, зеро бу онни қалам бирла тасвирлаб беришга ҳам ожиздирмиз. Ушбу лаҳзани ўн саккиз ёшнинг баҳорий уфорларини, умрнинг ҳатто зим-зиё ўтмиш тарихи осмонида "милт" этган юлдузли кечмишини туйғанлардин, анинг сарчашма булоғидан қонгаларидин сўранг! Зеро, бу — юрак туйғусидир! Ана шу оламнинг ажиб бир кечмиши ҳам мавжудки... О, бу кечмишни ҳали сўзлар қобиғи бирла намоён этмасингизданоқ бир энтикиб қўйганингиз рост, юрагингиз бир бор "жиз" этгани рост. Бу туйғу — Муҳаббат.

Муҳаббатдин сўз очдим. Ул туйғунинг диллардаги силсиласи-ю, лаззатли жиҳатидан сўз очмоқ ғалини сизнинг ҳукмингизга ҳавола этган ҳолда, келинг, муҳаббат надир ўзи, шу хусусинда фикр юритайлик. Зеро, бу тушунчани ўн саккиз ёшлилар остонасида турганлар-у, ул остонадан минг бир ҳулосалар, минг бир дунёқарашлар ила ҳатлаб ўтганлар мусоҳабасига яна бир ҳавола этмакка жазм этсак.

Ишқ, севги, муҳаббат тушунчасини ҳамиша бир қобиқ ичра қабул қиламиз. Ҳатто, шоирлар сатрида ҳам бу тушунча бир маънода жаранглайди. Менинг тушунчамда эса ишқ, севги, муҳаббат уч хил оқим. Аммо уч томондан жилғаланиб, бир дарёга қуйилган уммон. Ишқ бу ўз тоифасидан ўзга тоифага нисбатан кузатувни юзага келтиргусидир. Севги эса ана шу ишқ ўтида қоврулган юракнинг айнан бир кимсага талпинуви. Кўп гувоҳи бўламиз: айримлар "севилдим — севдим", дея турмуш қурадилар-у, оила аталмиш кемага дарғалик қилолмайдилар. Муносабатлари ёки бошқа хусусиятлари тўғри келмаганлигини рўкач қилишади. Буни муҳаббат аташ мумкинми? Гар кўнгил талпинган кишига ҳар қандай даврда хоҳ у шоҳ бўлсин, хоҳ гадо, хоҳ соғлом-у, хоҳ мажруҳ ҳолида унга жон фидо эта олсанг, умрингни, борлиғингни бахшида эта олсанг — шудир муҳаббат. Ҳеч эътибор берганмисиз, кимдир кимгадир кўнгил боғлаб, уни кузатгани кузатган, ҳар он орзиқиб кутган, бироқ, бир сўз айта олмайди. Демак, у муҳаббатга гирифтордир. Сиз ўзингизга яқин олган кишингизни кўрганингизда дилингизда ҳаяжон пайдо бўлдими, ўзингизни ноқулай сездингизми, кийган кийимингиз ўзингизга ёқмай қолдими, неча бир китоб-у, муҳаббатномаларни варақлаб, неча бир тун ичра ёдлаб чиққан сатрларингиз бир зумда хотирангиз бисотидан кўтарилдими, сизнинг нимангизнидир ёқтирмай айниб қолишидан, натижада, ҳатто висолидан-да маҳрум бўлиб қолмасликдан қўрқиб, ўзингизни ундан йироқроқ тутишга журъат эта олдингизми, демак, билинг-ки, сизнинг дилингизни муҳаббат ўртайдир.

Бу ҳаётнинг кечмиши кўп. Тақдир минг бир синоат ичра аён. Аввало табиат кўнглингизга муҳаббат уруғини қадабдими, ул уруғдан ниҳол унсин, ғунчалари дуч келган "аёз"да, "довул"-у, "жала"да сўнмасин, қийғос гулласин-у, ўз гулини топа билсин. Бироқ, унутмангки, ҳатто кимнингдир висолига зор интилиб-да, андин кечиб-да, бироқ, бир умр унга талпиниб яшаш ўзи ҳам катта бахт, буюк бир неъмат. Зеро, муҳаббатсиз юрак, жонсиз бир кесак, дерлар.

Энди азиз замондош, ўзингиз айтинг, сиз муҳаббатга гирифтормисиз?

Саминжон ҲУСАНЗОДА,
Андижон шаҳри.

Юракдаги ёзувлар

"ЖОНИМДА ЖОН, ТАНИМДА ТАН БЎЛДИНГ"

Бу кун ичимдагини кимгадир сўйлагим келяпти, лекин ҳеч бир яқин кишимга ёки дўстимга айтолмай гарангсиб юрибман. Неча кундирки, вужудим ҳисларга берилган. Қалбим муҳаббат ўтида куймоқда. Ўша куни қайдан ҳам ердан нигоҳимни узиб атрофга қарадим. Энди менга тун билан куннинг фарқи йўқ, фақат уни дейман, фақат...

Бу дам дил сўзларимни газета орқали унга айта олишим мумкинлигини тушуниб етдим. Илтимос, менинг шивирларим унга етиб борсин.

***

Зулфи, нигоҳинг бунчалар ўткир, юзларинг бунчалар соҳир. Сенга бир сўз айтолмай тилим танглайимга ёпишди-ку. Ўзи менда тил бормиди? Битиклар бормиди манглайимда? Сени кўрган кунимдан шу кунгача қилган илтижоларим қайга кетмоқда?

Зулфи, қачон сенинг олдингга борсам, худди еттинчи осмонда тургандай бўламан. Сендан узолмайман кўзимни, юзингнинг нури ўғирлаб қўяди сўзимни. Сўнг яна тентираб ортимга қайтаман. Қўшиқсиз қўшиқлар айтаман. Дунёнинг борлиги сен! Балки менинг бу йиғлоқи сўзларимдан одамларнинг кулгиси қистар, эҳ нималар деяпман, одамлар ким ўзи? Нега улар ҳар нарсага бурунларини тиқаверадилар, нега бизни тинч қўйишмайди? Нега бир-бирларини севиб-суйишмайди? Улар азалдан шундай, ўз қалбиларига қулоқ солишмайди.

Қайси куни сени тушимда кўрдим. Одамларни андармон, соляларни саргардон қилиб, фақат мени деб келдинг. Кўзимга кўз, сўзимга сўз бўлиб кирдинг. Жонимда жон, танимда тан бўлиб турдинг. Мен шеър ўқиётган эмишман., йўқ сен шеър ўқиётиб дермишсан: **"Мен кафан истарман тан гулхандадир, ўзим ҳар жойдаман кўнглим сандадир"**. Сўнг сен билан ажиб суҳбат қурдик. Шу чоғда лабинг бир ширин қимтиниб қўйгандир. Нигоҳинг мени-да суйгандир. Мен буни сезяпман, шундай бўлган, ҳа бўлган.

Кеча мен учун қадрдон бўлиб қолган ўша қари тутнинг остида сени эладим. Шаррос ёмғир қуйди. Уст-бошим шалаббо, атроф лой бўлди. Лойлар ичида қолдим. Бу мен учун қандай роҳат эканлигини билсанг эди. Қанийди, сен ҳам мен билан бирга бўлсанг эди. Менинг кунчироғим, тунчироғим ҳам сен бўлиб қолдинг, Зулфи. Кечалари ухлолмай, кундузлари бир ерда тўхтолмайман, оёқларим мени мен билмаган ёққа етаклаб кетаверади. Қайсидир китобда ўқигандим, қалб саҳродаги шохга илиниб қолган баргга ўхшайди, гоҳ у томон, гоҳ бу томон ҳилпирайди. О, менинг қалбим асло бундай эмас! Қалбим қора кўзларинг бошлаган тўфон ичра қолган. Бу тўфон қай томон судраса, шу томонга чирпирак бўлиб учиб кетади. Мен шоир эмасман, агар шоир бўлганимда ҳам ҳозир бирор сатр ёза олмасдим. Чунки мен ўзимни йўқотиб қўйдим. Агар шуни ўқиётган бўлсанг, сенга бир гапим бор. Фақат сени тинглайман!

Зулфи, яна тилим қотиб қолди. Бу ёғига ҳеч сўз дея олмайман. Агар истасанг, ўша қари тутнинг остига бор, мени ўша ерда кўрасан.

ОШИҒИНГ.

ИШҚ БЕҲИСОБ ЛАШКАРДИР

Ўйлаймизки бу парчалар назарингиздан четда қолмайди.

Даҳолар айтишлар: "Онқадар нурга тўлибман осмонга сиғмадим".

Яна демишларки: "Кўнгилга марғуб бўлган, кўзга ҳам маҳбуб бўлади".

Яна демишларки: "Ошиқ-маъшуқлик орага киргач, ҳокимлик ва тобеълик деган тушунчалар орадан кўтарилади".

Яна демишларки: "Агар охир дам имон келтир десалар, "Имоним ўшал моҳ!" дегумдир, даги ўлгум".

Инсон балоғат ёшига етганда, ҳайратга ҳам етади. Шунинг учун ҳам:

Ишқ беҳисоб лашкардир.
Ишқ — йўлсиз йўлдир.
Ишқ — қуёшдир.

Мутолаадан сўнг...

Р. АЛЬБЕКОВ сурати

ЭҲ, СЕНИНГ СУРАТИНГ...

Мана, бугун яна сенинг суратингни қўлимга олдим. Унга термулар канман кўзларимдан соғинч ёшлари қалқиди. Ишон, мен сени севардим. Хайрлашган ўша кундан бошлаб сени қанчалик орзиқиб кутганимни билсанг эди. Ўша охирги марта учрашганимизда айтган ҳар бир сўзларинг оҳанграбо тасмасига ёзилганидек менинг қалбимда муҳрланиб қолган. Шу учрашувни хотирамда қайта жонлаштириш учун кўзларимни юмсам бас. Сенга, фақатгина сенга хос бўлган сўзлаш оҳангинг, фақатгина сенга хос бўлган оҳиста ҳаракатларингни соғинган эканман, энтикиб кўзларимни юмаман...

— "Шерзод ака, илтимос, мени қийнаманг. Ахир кўриб турибсиз-ку мен ота-онамнинг ёлғизгина, тилаб олган фарзандлариман. Агар менинг орқамдан укам бўлганда ҳам майли эди. Мен... ота-онамни ҳеч кимга ишонмайман. Ва уларни ҳеч қачон ёлғизлатиб қўймайман. Агар мени ҳақиқатдан ҳам севсангиз... сиздан битта ўтинчим бор эди... бизникига ичкуёв бўлиб келинг...

— Нодирахон! ... нималар деяпсиз?!... Ахир мен ҳам ёлғиз фарзандман-ку! Ота-онамни ташлаб кета олмайман. Улар келин кўрсам, битта болам иккита бўлиб юришса деб орзу қилишади. Сизга ҳам қийинлигини тушуниб турибман. Лекин сиздан илтимос... хўп денг...

— Шерзод ака, гапларимдан хафа бўлманг... лекин... сиз менга қанчалик яқин киши бўлманг, мен барибир ота-онамни дейман. Мени кечиринг, лекин сиздан илтимос, бугундан бошлаб бошқа учрашмайлик...

— Нималар деяпсиз, Нодирахон...

— Мени кечиринг...

Шундай деб югуриб кетганингни ҳозир бўлаётгандек ҳис қиламан-да, кўзларимни қўрқиб очаман. "Хайрият бу хаёл экан", — дейман ўзимга.

Уч кундан кейин суратхонага бордим. Эсингдами, бирга суратга тушайлик деганимда кўнмагандинг. Алоҳида-алоҳида тушгандик. Бугун сурат битадиган кун. Сени ич-ичимдан қанчалик соғинганимни билсанг эди. Лекин сен келмадинг. Шунда мен одобсизлик қилиб сенинг суратингни ҳам олдим... Институтга кириб сени унутарман деб ўйлагандим. Лекин... ўзим билмаган ҳолда ҳар бир қошлари қалам, кўзлари тимқора гўзал қизни сенга солиштирар, ўхшата олмай томоғимга аччиқ бир нарсанинг тиқилганини сезардим. Тўғриси, ўшанда сендан жаҳлим чиққан, расмларингни бурда-бурда қилиб ташлагим келган эди. Лекин бу ёшлик шижоатли улғайиш вазминлиги билан алмашди. Ота-онанг деб ўз севикли ёрингдан воз кечганинг учун, энди сени хурмат қилаяпман. Балки сен унутиб юборгандирсан. Лекин мен сени ҳеч қачон унутмайман. Суратингни ҳам қалбим тўрида сақлаб юраман...

Мана, бугун суратингни яна қўлимга олдим. Эҳ, сенинг суратинг. Унга термулар канман, кўзларимдан соғинч ёшлари қалқиди. Ишон, мен сени севардим, жудаям севардим...

Беҳзод ҲЎЖАЗОДА

Янги номлар

АГАР СЕН СЕВМАСАНГ...

Кетаман,
Бу ердан бош олиб
Мажнунни сийлаган саҳрога.
Кетаман,
Кўзимга ёш олиб,
Юлдузлар ватани — самога.

Бўлмаса, ҳарсангга бойланиб,
Чўкаман, туби йўқ уммонга.
Ва ё кўк каптарга айланиб,
Учаман Кўҳиқоф томонга.

Дўст тутиб, тонгдаги шабнамни
Сўнг сингиб кетаман тупроққа.
Кетаман,
Йиғлатиб онамни,
"Борса-келмас"данам йироққа.

Кетаман,
Бари бир кетаман.
Шу сўнгги ва қатъий қарорим.
Суймасанг... суйкалиб нетаман.
Алвидо!
Суюкли дилдорим,
Кетаман...

ХОТИРА

Кўп қўллар бошимни силади,
Қанча қўл дуолар "тилади",
Сабабин бир худо билади —
Отамнинг қўллари бошқача.

Кўп инсон мен учун меҳрибон,
Қанчаси хушфеълу хушзабон,
Лек, мен-чун дунёда бир армон —
Отамнинг тиллари бошқача.

Нетайин, умримиз бир карвон,
У тўхтаб қолмайди ҳеч қачон.
Отамга етолмай мен сарсон —
Отамнинг йўллари бошқача...

Бўзлайман,: "Отажон қайдасиз?
Ёнимга сиз қачон қайтасиз?"
Оҳларим барибир фойдасиз —
Отамнинг тилари бошқача.

Мен зорман, отамнинг меҳрига
Борида етмадим қадрига.
Гул экай дерман-у қабрига
Отамнинг гуллари бошқача.

Руҳлари нур сочар йўлимга,
Сўнг Қуръон тутқазар қўлимга.
Ва дер: "Бу худонинг қисмати,
Йўқ! Лаънат ўқима ўлимга!"..
Отамнинг дили ҳам бошқача!

ЁЛҒОНЧИ КЎЗЛАР

Ҳар тунда юлдузли самога қараб,
Худодан сўрайман сабр ва тўзим.
Алдандим, бевафо дунёда яшаб,
Ёлғончи кўзларга тушмасин кўзим.

Мен сени юракдан севаман, деган
Бу латиф сўзларда вафо йўқ экан.
Кўнглимни олгану қайтиб бермаган,
Ёлғончи кўзларга тушмасин кўзим.

Титранар аламдан, инграр юрагим,
Айрилиқ куйини тинглар юрагим.
Худодан сўраган сўнгги тилагим —
Ёлғончи кўзларга тушмасин кўзим.

Дунёда қолмабди севги — муҳаббат,
Садоқат камёбдир, бордир хиёнат,
Майли, тоқ ўтайин дунёдан, фақат
Ёлғончи кўзларга тушмасин кўзим.
Ёлғончи қизларга тушмасин....

АБДУЛ АЗИЗ.

ОИЛА — МУҚАДДАС ДАРГОҲ

Ҳар бир ёш балоғат ёшига етгач ўз-ўзидан келгусида қуражак оиласи тўғрисида ўйлашга мажбур бўлади. Чунки, одамзот яралибдики, бу савдо мавжуд. Шу ўринда айтиб ўтишимиз лозимки, юз минглаб оилаларга ўзининг бахт ва шодлигини улашиб, уларнинг хотиралари да бир умрга ўчмас из қолдираётган — 1994 йилни оила йили деб белгилашида ҳам чуқур маъно бор.

Ўтмишга назар ташлайдиган бўлсак, халқимизнинг қадимги удумларига кўра оилада ўғил уйлантириш ёки қизларни турмушга чиқариш ҳолатлари юз берганда ҳар иккала томон ҳам бўлғуси қудаларнинг келиб чиқиши, қандай ишлар билан шуғулланиши ёки бўлмасам маҳалла-кўйда қандай обрў-эътиборга эга эканликлари тўғрисида чуқур маълумот олганларидан кейингина ўзаро келишиб, тўйга розилик беришган. Менимча, "кўрпангга қараб оёқ узат" деган мақол ҳам мана шундан келиб чиққан бўлса ажаб эмас.

Муҳаббатнинг кўзи ожиз, деб бекорга айтишмаган. Сабаби кундалик ҳаётда кўриб турибмизки, айрим оловқалб ёшларимиз тўйгача бир-бирини шундайин ҳурматлаб, эъзозлашадики, кўрган одамнинг ҳаваси келади. Тўйдан кейин бир ёки ярим йил ўтадими, йўқми бояги ҳурматдан асар ҳам қолмаган. Балки, бир-бирларини ёмон сўзлар билан ҳақоратлаб, ажралиш тўғрисидаги аризалари билан судларга мурожаат қилишади. Хўш, бунинг асосий сабаблари нимада деган савол туғилади. Биринчи сабаб шундан иборатки, оилада эр ва хотин бир-бирини тўғри тушуниши, қадрлаши ва эъзозлаши керак. Иккинчи сабаби эса, турмушда ҳамма нарса бўлиши мумкин, деганларидай, рўзғор бор жойда етишмовчилик ҳам бўлиб туради. Айрим ҳолларда юз бераётган мана шундай оиладаги озгина иқтисодий ўткинчи қийинчиликлар эр-хотин орасига анчагина совуқлик тушириб қўйиши мумкин. Дўст бошингга иш тушганда билинади, деганларидай хотиннинг ҳам эрига садоқатлилиги ва оиласига бўлган муносабати мана шундай кунларда билинади.

Агарда кимки бахтли оила ва шахсий ҳаёт бутлутсиз мовий осмон, деб тушунса, жуда катта хато қилган бўлади. Бахт бу ҳалол меҳнат ва тинимсиз машаққатлар мевасидир. Бобомиз Фаробийнинг айтишича, "Бахт- саодатга эришув йўлида нимаики ёрдам (ахлоқ, касб-ҳунарлар) берса, уни сақламоқ ва мустаҳкамламоқ, нимаики зарарли бўлса, уни фойдали нарсага айлантиришга ҳаракат қилмоқ зарурдир".

Бахт ҳар бир оиланинг умрибоқий қадрдони бўлиб қолсин. Сиз ёшлар эса уни асрашни, авайлашни ва ниҳоят ҳимоя қилишни биринчи галдаги вазифа қилиб олишларингиз лозим.

Пиримқул ҚУЛМАТОВ,
ТошДУ аспиранти.

Кўнгилнинг кокили

Азиз муштарий!
Эсингизда бўлса, Зулфиянинг мактуби газетанинг ўтган сонларидан бирида эълон қилинган эди. Кунлар ўтиб, жавобан бир қанча хатлар олдик. Шулардан бирини эътиборингизга ҳавола этаётирмиз.

"СИНГЛИМ, ОИЛА ҚУРИНГ!"

Синглим, Зулфияхон!

Сизнинг "Туркистон" рўзномасида босилган хатингизни ўқидим ва қўлимга қалам олиб ушбу сўзларни ёзишни лозим топдим.

Сиз 20 ёшдаман деб ёзибсиз, хатингизда. Мен эса сиздан бирмунча каттароқ 37 ёшдаман. Менимча, пок ва беғубор қалбингиздан чиққан севги ҳарорати ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Биламан, сиз бу мактубни бировдан маслаҳат олиш учун эмас, тўлган юрагингизни бўшатиб олиш учун ёзгансиз. Чунки қалб косаси тўлганда ўз-ўзидан худди шундай тўкилади.

Лекин ҳаётда яна бир буюк нарса борки, бу оиладир. Ҳар нима бўлганда ҳам ҳеч хоҳламасангиз-да (эҳтимол, энди ҳеч кимни сева олмассиз), оила қуришингизда бардош тилайман. Синглим, оила қуринг! (Маслаҳатим учун узр). Кейин ширин-ширин фарзандларингиз бўлади. Фарзанд эса ҳамма нарсадан устун. Кўнглингизнинг бўш қисмини фарзандларингиз тўлдиради, деб ўйлайман. Ва юрагингиздаги соф севгингиз доимий хаёлга айланади. Бир кам дунё деганлари шу бўлса керак. Бу дунёда ҳеч ким тўкис бўлган эмас.

Агар мактубим нозик қалбингизга озор етказган бўлса, минг бор узр сўрайман. Мен сизга ниманики айтишни лозим топган бўлсам, тўлиқ баён қила олдимми, йўқми билмадим.

Агар истасангиз менга хат ёзишингиз мумкин.

Манзилим: Хоразм вилояти, Хонқа тумани, Ал Хоразмий номидаги жамоа хўжалигига деб ёзинг.

Гулистон ЮСУПОВА,
ишчи.

Нуқтаи назар

"ЎЗГАЛАРГА ТИЗ ЧЎККАНДА..."

Газетанинг ўтган галги "Ўн саккизга кирмаган ким бор" саҳифасида "Диққат, жумбоқ!" рукнида бир ажойиб шеър берилиб, унинг муаллифини аниқлаш муштарийлар ҳукмига ҳавола этилган эди.

Ҳа, муҳаббат ҳақида ҳамма замонларда, ҳамма халқнинг шоирлари ёниб ёзишган. Бироқ, андак зеҳн солиб кузатсак, шеър оҳангидан, ёзилиш услубидан, қандай халқнинг, қай бир шоири қаламига мансублигини англаб етиш ҳам қийин эмас. Хусусан, жумбоқдаги "Ўзгаларга тиз чўкканда..." деб бошланадиган шеърдан XIX аср рус шоирларининг нафаси яққол сезилади. "Ўзгаларга тиз чўкканда..." ўз оҳанги, ўз ёзилиш услубига кўра романсдир. Романс битиш эса XIX аср рус шоирлари орасида урфга айланганди. Айниқса, хассос шоир Михаил Лермонтов бу жанрнинг пири бўлган! Шу ўринда андак афсус билан таъкидлашни истардикки, шеърнинг ўзбекчага таржимаси алланечук кўнгилдагидек эмас.

Гули ЖАҲОН

Ҳусндаги доғ

КАЙФИ ТАРАҚ ҚИЗЛАР

Ўзбек қизи. У қаерда бўлмасин, қаерга бормасин Бибихоним, Нодирабегим каби буюк аёлларнинг авлоди эканлигини унутмай, шуларга муносиб бўлишга ҳаракат қилиши табиий. Бизлар шундай муҳтарама аждодларимиз борлигидан, ўзбек қизи эканлигимиздан ифтихор қилиб яшаймиз. Кўчада гулгун чеҳрасидан нур ёғилиб, ёнингиздан ўтаётган ўзбек қизига сиз ҳавас билан қарамайсизми, уларнинг чиройига суқланмайсизми?

Лекин афсуслар бўлсинки, кундалик ҳаётимиз шундайки, гоҳо қизларга ҳавас эмас, балки норозилик билан қарашингизга тўғри келади. Бошанг қийинган қизларнинг оғзидан чиқаётган сўзларни эшитиб, дилинг озор чекади.

Яқинда "Зарафшон" ресторани рўпарасидаги арабча кабоб сотиладиган растада икки қизни учратиб қолдик. Очиғи, аввал уларнинг гўзал чеҳраларига боқиб, ҳавас қилдик. Сўнг уларнинг ўзаро муомаласини, ўзларига ярашмайдиган қилиқларини кўриб нафратланиб кетдик. Қизлар узун сочларини ёйиб, оврўпача кийиниб олишган, бу ҳам етмагандек, қип-қизил маст эдилар.

Ҳа, гоҳо қизларнинг шу ҳолда ресторанма-ресторан юриши, кўча-кўйда сигарет чекиб ўтириши кўп учрайди. Уларга ким тарбия берган? Нега энди азалий қадриятларимиз тикланаётган, асрий удумларимиз қарор топаётган пайтда бундай хунук манзаралар кўзга ташланаётир? Наҳотки биз ўзимизга масъул бўла олмаймиз?

Сиз-чи, эй садоқат
сатридан нолиб,
Надомат комида қолганлар,
айтинг.
Ўзини минг битта бозордан
олиб
Минг битта бозорга
солганлар, айтинг.
Шу чўлпон кўзларнинг
буюк ҳурмати,
Шу ақиқ лабларнинг рост
сўзи дея,
Сўйланг-чи, вафонинг
надир қиммати
Сиз ҳам кутганмисиз бирор
сония?!

Бокира аёллар шаънига айтилган бу сатрларнинг юқорида биз назарда тутганларга, афсуски, асло алоқаси йўқ.

Гулзода ҲУСНИЕВА.

Абу Али ибн Сино сеҳри

Ишқ (васвасаси) меланхолияга ўхшаш бир касаллик бўлиб, киши у касалликни, кўпинча маҳбубанинг баъзи кўриниши ва ҳулқларини яхши кўришга ўз фикрини бўйсундириш орқали ўзига чақириб олади. Гоҳо бунга шаҳват ҳам ёрдам беради, баъзан у ёрдам бермайди.

Ишқнинг аломатлари:

кўз чуқур тушади ва қуруқлашади;

йиғлашдан бошқа вақтда кўз ёшланмайди;

кўз қовоқлари муттасил ҳаракат қилиб туради;

киши ёқимли бир нарсага қараган ёки шодлантирувчи бир хабарни эшитган, ёки ҳазил қилаётган каби кулади;

унинг нафаси кўп узилиб, яна жойига қайтади ва кўп оҳ-уҳ тортади;

ғазал эшитганда аҳволи шодлик ва кулгига ёки ғамгинлик ва йиғига томон ўзгаради, айниқса жудолик ва ҳажр тилга олинганда шундай бўлади.

Кўздан бошқа ҳамма аъзолари сўлиб озади, кўз ғўлагининг чуқур тушиши билан бирга қовоқлари катталашиб салқийди, бунинг сабаби, уйқусизлик ва оҳ тортишнинг кучайиб, бошга буғ юбориб туришидир.

Унинг ўзини тутишда тартиб бўлмайди, томирнинг уриши ғамгин кишиларники каби нотекис ва бутунлай бетартиб бўлади.

Маъшуқидан гапирилса, айниқса, тўсатдан севганига учрашса, томирнинг уриши ва ўзининг ҳоли ўзгаради.: ана шунга қараб, севгилисини ўзи айтмаса, унинг ким эканини ҳам аниқлаш мумкин бўлади.

Унинг маъшуқини аниқлаш даволаш йўлларидан биридир.

Ошиқни турли ишлар ва тортишишларга, қисқаси ишқни унуттирадиган нарсаларга овора қил, бу тадбир, кўпинча уларни қийнаётган нарсани унуттиради. Ёки унда маъшуқасидан бошқа дин ва шариат ҳалол қилган қизга муҳаббат пайдо қилиш тадбири кўрилади, кейин ишқ мустаҳкамланишидан олдин ва олдинги маъшуқасини унутгандан кейин, иккинчи маъшуқадан фикри узилади. Ошиқ ақлли кишилардан бўлса, панд-насиҳат, масхара қилиш, койиш ва унга ишқни васваса ва жиннликнинг бир тури деб тасвирлаш ҳам жуда фойда қилади, бундай вақтда сўз жуда таъсир қилади. Шунингдек, ошиқнинг олдига кампирлар юборилади, улар маъшуқани унга ёмонлаб, унинг булғонч қилиқлари ва нафратли ишларидан гапирадилар ва унинг кўп жафо қилишини ҳикоя қиладилар: бу нарса кўпинча уларни тинчлантиради. Агар у кампирлар маъшуқанинг суратини қабиҳ нарсаларга ўхшатиб ҳикоя қилса, унинг юз қисмларини хунук қилиб тасвирласа ва бу ҳақда узоқ ва муфассал сўзласалар, бу ҳам фойда қилади. Ҳақиқатан ҳам бу тадбирлар кампирларнинг иши бўлиб, улар бу жиҳатдан эркакларга қараганда моҳирроқдирлар: лекин хунасаларнинг ҳам бу ҳақдаги ҳунарлари кампирларникидан камлик қилмайди. Кампирлар яна ошиқнинг севгисини аста-секин бошқа маъшуқага кўчира оладилар, сўнгра унинг иккинчи маъшуқага бўлган севгисини мустаҳкамланишидан олдин унга қизиқтиришни тўхтатадилар.

"Тиббий ўгитлар"дан

Сиз севган қўшиқчи

Охунжон МАДАЛИЕВ: МУҲАББАТ — ЁШЛАРНИНГ ДАРДИ

Олтиариқнинг Янгиараб қишлоғи. Чап тарафда Чимён адирликлари. Қишлоқнинг қинғир-қийшиқ кўчаларидан бири. Бу йўлларда Охунжон ўсиб-улғайгани, боғчага, сўнг 9-мактабга қатнаганига ишонгинг келмайди.

— **Сизнинг қўшиқларингизни кўпроқ ёшлар севади, деб ўйлашади. Аксинча, муҳаббат ҳақида куйласангиз, қошида ўсмаси бор момолар ҳам, оғзида тиши қолмаган чоллар ҳам бош тебратиб, фаромуш бўлиб қоладилар.**

Охунжон кулади.

— Ўзим ёшман, муҳаббат эса ёшларнинг дарди. Муҳаббат ҳақида куйлашни ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан.

— **"Кўнглимда бир ёр, қўйнимда бир ёр"ни айтсангиз, умр йўлдошингиз Ҳабибахон аччиқланмайдими?**

— Бу саволни шоир Муҳаммад Юсуфга беришингиз керак.

— **Ҳаётингизда қизиқ воқеалар ҳам бўлиб турадими?**

— Қай бирини айтай?

Бир пайтлар қўшиқларим билан назарга тушган эдиму, радио-телевизорга ҳеч чиқмагандим касеталар орқали узоқ-яқинга, қўшиқларим тарқалган эди. Бешариққа тўйга бордик. Таклиф қилишган уйни тополмай роса қийналдик, у қишлоққа борамиз, бу маҳаллага борамиз, топа олмаймиз. Ўша кунлари тўй шундай кўп эканки, ҳар кўчада бир-икки жойда тўй. Бир жойда ёш-яланг йигитлар тўпланиб турган экан. Машинадан тушиб ўшалардан сўрадим: "Йигитлар, Охун қайси тўйга келади?"

Йигитчалар бирваракайига: "Охун нариги қишлоқдаги тўйга келади", деб жавоб беришди ва биз тўйни осонгина топиб бордик.

— **Хафа бўлманг-у "Охунжон жуда димоғдор" дейишади. Назаримда, бу гапда жон борга ўхшайди. Санъаткор камтарроқ бўлгани маъқулмикан.**

— Ўзим ҳам камтар бўлишга уринаман, лекин жуда камтар, хокисор бўлсангиз ҳам одамлар эзғилаб юборади-да.

— **Миш-мишларга қараганда, сизни Олтиариқда ҳеч ким тўйга таклиф қилмас эмиш.**

— Унчалик эмас. Лекин гапингизда умуман жон бор.



Узи ҳаёт шунақа. Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ, дейишади-ку!

Тўғри, ҳамюртларим Охун бизнинг жойдан, деб фахрланишларига кўп гувоҳ бўлганман. Лекин аксарият таниқли кишилар ўз қишлоғи, ўз юртида ўзга жойдагидай иззат кўрмаслиги — бу ҳақиқат.

Айтишади-ку, 90 марта сизга эгилиб салом беришса, сиз Японiядасиз, деб, тўрт марта сизни ўпишса, билингки, Парижда юрибсиз. Агар қадрингизга унча етишмаса, демак, сиз ўз юртингиздасиз...

— **Оилангиз билан муштарийлар жуда қизиқадилар.**

— Боя айтдим, дадам ўтган йили қазо қилдилар. Жойи жаннатда бўлсин! Оиламнинг шамчироғи — ойижоним ҳаёт, 70 дан ошдилар. У кишига Оллоҳдан умр тилайман. Умр йўлдошим Ҳабибахон Олтиариқдаги Марказий шифохонада ҳамшира бўлиб ишлайди. Бир акам оддий колхозчи, 4 опам бари оилали, бола-чақали.

Худога шукур, икки қизчам ва бир ўғлим катта бўлишяпти.

— **Ўғлингиз Қиличбек сиз каби қўшиқчи бўлишни истаса, рози бўлармидингиз?**

— Қайдам, у энди 3 ёшда. Лекин ҳамма қўшиқларимни бир-икки оғиздан айтади. У қўшиқчи бўлмаса дейман. Чунки бу йўлда мен то элга танилгунимча чеккан азобларим етади. Мен кўпдан буён қўшиқ айтаман, лекин саксон тўққизинчи йилдан кейингина радио, телевидениега чиқишга имкон яралди...

Энди, Қиличбек ким бўлмасин, шу юртга хизмат қилса, эл ичра иззат топса, бундан зиёд давлат борми — инсон боласи учун?!

Малик БОЙМАТОВ.

Осиё ўйинлари қаҳрамонлари

ЎЗИНИ ИККИ ҲАФТАДА ТАНИТГАН ЙИГИТ

Юрий Шейкин — Тошкентда туғилган. 31 ёшда. Тошкентнинг "Трактор" ҳамда Ўзбекистон миллий терма жамоасининг дарвозабони. Оилали. Бир ўғил ва бир қизи бор. XII Осиё ўйинлари чемпиони. Ўта камтарин ва камгап.

"Кумир"и — А.Прохоров (дарвозабон).

"Хобби"си — музика

Энг юксак мақсади — Жаҳон чемпионатида қатнашиш.

Энг севимли ранги — яшил.

Энг севимли асари — детектив асарлар.

Энг ёқтирган кинофильми — "Кавказ асираси".

Энг севимли актёри — Юрий Никулин.

Энг севимли маскани — Тошкент.

Энг яхши кўрган таоми — палов.

— **Юра, олтин ва "Шуҳрат" медаллари муборак бўлсин. Мукофотга берилган автомашина буюрсин. Табриклайман.**

— Раҳмат.

— **Энди икки оғиз ўзингиз ҳақингизда!**

— Футбол ёшлигимдан жони-дилим. 1977 йилдан "Пахтакор" футбол мактабида, кейинчалик Чиғатойдаги ФУМда дарвозабонликдан "сабоқ" олганман. 1979 йил "Пахтакор" ҳалокатидан сўнг 16 ёшимда дублёрга қабул қилиндим. Турли йилларда Жиззахнинг "Бўстон" ва яна бошқа жамоаларида ўйнадим. Мана, беш йилдирки, "Трактор"даман.

— **Юра, очиғи, мутахассисларни ҳисобга олмаганда, Хиросимагача сизни кўпчилик билишмас эди. Энди эса машҳурсиз. Айтингчи, машҳурликнинг номи ва нони қандай бўларкан!**

— Тўғриси, бундай бўлишини сира кутмагандим. Тушга кирмаган ишлар бўлди. Хурсандман жуда.

— **Сиз ярим финалда Қурия терма жамоаси билан бўлган ўйиннинг ҳақиқий қаҳрамони бўлдингиз. Бу ўйин сиз ва жамоа учун қийин кечди. Шундаймасми!**

— Ҳа, хозирча мен учун энг қийин кечган ўйин ўша ўйин.

— **Ўша ўйинда сизларга кўпроқ омад кулиб боқдими ёки маҳорат, тактика иш бердими!**

— Униси ҳам буниси ҳам бўлди.

— **Юра, бошқа чизиқлар ҳақида ҳам ҳеч ўйлаб, унда ўзингизни синаб кўрганмисиз! Ёки дарвозабонлик сизга теккан "касаллик"ми!**

— Нима десам экан. Оилада тўрт ака-укамиз. Энг кичиги мен. Болаликда ҳовлида футбол ўйнаганимизда акаларим, сен кичкинасан, бор дарвозада тур, дейишарди. Шу-шу дарвозабонман. Лекин Ўзбекистон чемпионатида рақиблар дарвозасига учта тўп киритганман.

— **Зўр-ку, қандай қилиб!**

— Ҳаммасини пенальтидан.

— **Демак, сиз "пенальтист" ҳам экансиз-да.**

— Шундай деса ҳам бўлади.

— **Оилангизда сиздан бошқа спортчилар ҳам борми!**

— Йўқ.

— **Бўш вақтларингизда нима билан машғул бўласиз!**

— Фарзандларим билан бирга бўлишни, уларни эркалашни ёқтираман.

— **Орзуларингиз!**

— Ота сифатида фарзандларим учун қайғуриш ва уларнинг камолатини кўриш.

— **Суҳбатингиз учун ташаккур.**

Суҳбатдош: Алижон АБДУРАҲМОНОВ,

ГАЗЕТА САҲИФАЛАНАЁТГАНДА

УЧ ЭГИЗАК

Шеробод туманидаги Э. Бердиев номли жамоа хўжалигининг Қуллуқшо қишлоғида яшовчи Эргаш Қораев хонадони тўйхонага айланиб кетди. Бу хурсандчиликнинг сабаби шуки, уй бекаси Озода Туронова бирданига уч ўғиллик бўлди. Чақалоқларга Ҳасан, Ҳусан ва Тоҳир деб исм қўйилди.

"Фахрикамол" хусусий фирмасида пайвандчи бўлиб ишловчи Э. Қораев оиласига фирма ва жамоа хўжалиги раҳбарияти моддий ёрдам кўрсатиш ниятида.

Жовли ХУШБОҚОВ. "Туркистон"нинг Сурхондарё вилояти бўйича ўз мухбири.

Қанотли хабар

ОНАЛАР ОЛҚИШЛАНДИ

Жаннат оналарнинг оёғи остидадир. Кимки ота-онасини, айниқса, онаизорини кўпроқ ҳурмат қилса, иззат қилса, ҳаётда ўзи ҳам шундай иззатда, ҳурматда бўлади. Оналар бешик билан бирга дунёни ҳам тебратишади. Чиндан ҳам мустақил республикамиз истиқлолидан, истиқболидан оналаримизнинг бахтлари яна ҳам баркамоллашмоқда, нуроний чеҳралари яна ҳам нурафшонланмоқда.

Яқинда Миробод туманидаги Муқимий номли 154-ўрта мактабда ажойиб кеча ўтказилди. Залга тўпланган бир гуруҳ чеҳраларидан нур ёғилган оналар кечага файз киритишди. Аслида ўтказилаётган тадбир ҳам уларни олқишлашга бағишланган эди. Туман хотин-қизлар қўмитасининг раиси С. Эшонхўжаева ҳамда шу тумандаги "Олтинкўл" маҳалла хотин-қизлар қўмитасининг раиси Нури Азимова ташаббуслари билан ташкил этилган бу кечага мактабнинг собиқ ўқувчиси, профессор Махсума Тўлаганованинг 60 йиллик таваллуди ҳам уланиб кетди.

Нури опа собиқ ўқувчиси Махсума аяни қутлуғ еши билан табриклаб, бу мактабдан илм-фан фидойилари кўплаб етишиб чиққанини таъкидлади. Шоира Ойдин Ҳожиева, Муқаддас Абдусаматова, Қутлибека Раҳимбекова, журналист Яйра Саъдуллаева, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Муборак Юнусхўжаева ва бошқалар шеърларида, сўзларида оналарни олқишлашди, юрак сўзларини уларга бағишлашди.

Шаҳар бедарвоза эмас

ДАРВОЗА

ёки аёллик шаънига доғ тушираётганлар

Дунёда аёл гўзаллигидан ортиқ нима бор. Оламнинг борибутуни, асоси ҳам шулар эмасми. Уларга таъриф бермаган, мадҳ этмаган шоир, ёзувчининг ўзи бўлмаса керак менимча. Аёл зоти борки бу дунёда оила қуриб, ўзидан бир-биридан ширин — шакар фарзандлар қолдирсам дейди. Лекин насл безавол бўлмайди деганларидек, ҳаётимиздаги ҳамма аёлларни ҳам болажон, жони — жаҳонини оиласига берадиган деб бўлмас экан. Хизмат давомида кўп жойларда бўлиб шунга амин бўлдим.

Гўзал Тошкентимизга бир кунда нечта киши келиб кетишини ҳеч тасаввур қилолаисизми? Афсуски, бу борада бирон бир рақамни биз ҳам айтолмаймиз. Она шаҳримизнинг бағри шундай кенг эканки, унга келиб-кетувчи меҳмонларнинг сон-саноғи йўқ. Оддий мисол, қўшни Қозоғистон орқали келиб-кетувчи автобусларнинг ўзи қанчадан-қанча. Поезд, автомашиналарда келиб-кетувчиларни бунга қўшмай турайлик. Меҳмон келиб кетишидан асло нолимаймиз. Меҳмоннинг қанча кўп келиши юртимиз юзини кўрсатади. Ўзингиздан мисол. Ҳеч бир ёмон одамникига меҳмонга борасизми? Борган жойингизда яхши, хушмуомалалик билан кутиб олишса кимга ёқмайди. Агар акси бўлса-чи? Ўзбекнинг бағри кенглиги, меҳмондўстлиги ва бошқа инсоний фазилатлари борки, ҳар куни уйининг тўрида меҳмон.

Бироқ, ҳамма келиб-кетаётганларни сахий юртимиз замини узра нур сочиб турган қуёшида товланиб пишган тилими тилингни ёрувчи қовунтарвузи, кирсиллама узумидан ёки бошқа ноз-неъматларидан баҳраманд бўлиши учун келмоқда деб бўлмайди. Бировларнинг дарди бошқа. Халқимиз турмушига зид бўлган номуносиб "урф"лар — ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, фоҳишабозликни тарқатиш.

Пойтахт милицияси Тошкентга ўз "бахтини излаб келган"лар билан жиддий шуғулланади.

— Агар қўйиб берсангиз, — дейди жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси бўлим бошлиғининг ўринбосари, милиция майори Нуриддин Ўралов, — бу дайдилар шаҳримизга уя қуриб олишади. Иссиқ ўлка шароити улар учун зап бопда. Йилнинг саккиз ойи осмонда қуёш порлаб турса. Баъзида январь, февралда ҳам нимчада бемалол юраверасиз. Бироқ, бундай кўнглининг кўчаси кўплар билан асло муроса қилиб бўлмайди. Мамлакатимиз Президенти Тошкент шаҳар депутатларининг XY сессиясида шаҳримизни тезроқ дайди ва ғаламислардан тозалаш зарурлиги, уни дунёдаги энг намунавий шаҳарлардан бирига айлантириш тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтди. Биз бундан ўзимизга керакли хулосани чиқариб олганмиз.

Бошлиқ ўринбосари ва милиция катта лейтенанти Виктор Криков билан Сирғалидаги тери — таносил касалликлари шифохонасида бўлдик.

Синглим, бу ёққа келинг, — деди Виктор қорақош, кўзлари тим қора, сочлари кенг елкасини бекитиб турган ўрта бўйли, йигирмага етмаган қизни чақириб.

— Салом, — деди қиз ўзига ярашмаган табассум билан. — Келдим. Нима дейсизлар, — дея илтифотни кутмасдан ўтириб олди. Танишдик. Айрим сабабларга кўра унинг исмини тўлиқ келтирмаймиз. А. Х. Россия Федерациясининг Самара шаҳридан келган. Мана икки ойдирки шаҳримизга "меҳмон" экан. Айтишига қараганда, отаси уларни эрта ташлаб кетган, тижорат соҳасида ишлайдиган ойиси билан бирга яшаган.

— Мен учун Самарада ҳамма шароит яратилганди. Ойим яхши топарди. Хоҳлаганимни кийиб, хоҳлаганимни ердим. Нима десам муҳайё эди. Ойим тузукроқ йигит топгин, турмушга бераман дерди. Мен Саша деган йигит билан танишиб қолдим. Қадди — қомати келишган, ўзига бино қўйган йигит эди. Ёшлик қилибми, унинг ширин гапларига учибми у билан яқинлик қилдим. Лекин Саша ваъдасига вафо қилмади. Ташлаб кетди. Қанчалик ялиниб-ялвормай менга уйланмади. Аламига ичдим. Дискобарларга қатнай бошладим. Йигитларнинг капалагини бошидан учирардим. Тунларни бедорликда ўтказардим. Шу қўйлар билан Ўзбекистонга келиб қолдим. Дугоналаримни топдим. Аввалига аҳил яшадик. Кейин ишларим ривожланиб кеттач ҳасад қила бошлашди. Қувғин қилишди. Кўчада қолдим. Дуч келган йигит қўлимдан ушлаб кетса йўқ демасдим. Бир куни сал чаққонроғи сени уйингга жўнатиб юбораман деб мени ўзи туғилган шаҳрига олиб кетди. У шаҳардан ҳам туз "насиб қилган" экан. Бир неча кун қолиб кетдим. Тошкентга ўрганиб қолган эканман яна бу ёққа қайтдим.

А. Х. бошидан ўтганларни бизга сўзлаб берар экан ҳеч нарсадан уялмас, ҳатто ийманмас эди. Биз бу беномус қизнинг ҳамма гапларини қоғозга тушириб ўтиришни ўзимизга эп билмадик.

Иккинчи суҳбатдошимизни шартли равишда Лена деб айтамиз. У "турмуш тақозаси билан" юртимизга қадам ранжида қилибди. Лена хонага кирганда "айб"ларини ювиш учун йиғи — сиғи қилиб кўрди ҳам. Дардини дастурхон қила бошлади:

— Июнь ойидан бери Тошкентдаман. Беларусь Республикасидан келганман. Бир ойдан ошдики касалхонада даволанаяпман. Дўхтирлар ҳали бери тузалмасанг керак дейишмоқда. Даволаниб чиқсам албатта уйимга кетаман. Борсам аввал ўша қўшмачи кампир Дашанинг сочларини юламан, кейин Андрейни...

Мен бир бахтиқаро эканман дея ўзини оқлай бошлади Лена. На онанинг, на отанинг меҳрига тўйдим. Отам ичиб келиб онамни тинмай урарди. Охир — оқибат онам укам Юра ва мени ташлаб бошқа эрга турмушга чиқди. Пиёниста ота эса аллақачон оила нима эканлигини унутганди. Қаерда бир қултум ароқ топилса ўша ерда ҳозиру нозир эди — да. Биз болалар ўртада сарсон бўлдик. Қўни-қўшнилар Юрани болалар уйига топширишди. Мени Даша хола "қиз қилиб" асраб олди. Дашанинг уйига меҳмонлар тез — тез ташриф буюриб туришарди. Номусимга теккан Андрей ҳам шуларнинг бири. Ўзбекистонга бир "бизнесмен"нинг ташрифи билан келганман. У ҳам ўз ишини битирганидан кейин қуён бўлиб қолди.

Азиз муштарий, биз юқорида сизга юртимизга "бахтини излаб" келган иккита беномус қиз ҳақида ҳикоя қилдик. Минг афсуси улар бармоқ билан санарли даражада оз эмас. Ачинарлиси шундаки, улар ичида вилоятларимиздан келганлар бор. Тошкент бундай беномуслар учун ўзига хос нажот, паноҳ жой экан деб хулоса чиқарсангиз жуда катта хато қиласиз. Тошкент бедарвоза шаҳар эмас. Кимлар келиб-кетаётганлиги, албатта, назорат қилиб борилади.

Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси ходимлари фоҳишахона очиб, қўшмачилик билан шуғулланувчиларга қарши кураш олиб бориб, ўттан ярим йил ичида шундайлардан бир неча ўнтаси устидан жиноий иш қўзғатилди. Бу ўттан йилнинг шу даврига нисбатан анча кўп. Тери — таносил касалликларини тарқатувчи ёки даволанишдан бош тортган 12 нафар фуқарога нисбатан жиноий иш қўзғатилган. Беҳаё фильм ва нашрларни тарқатувчилар устидан ҳам шунча жиноий иш қўзғатилди. 1994 йил 33 та видео муассаса ёпилиб, етти видеоаппаратура, 313 видеокассета тортиб олинди.

Беномусликни халқимиз азалдан қоралаб келган. Ҳалол кишилар ундан номус қилишади. Аммо айримлар уни ўзлари учун бойлик орттириш манбаи деб билишар экан.

Яккасарой туманида Салим Азимов деган киши ўз уйида фоҳишахона очиб унд ўн икки фоҳишани ишлатган. Муқаддам судланган чилонзорлик Зоя Никифорова бу борада яккасаройлик "ҳамкасби"га дарс берар экан. Унинг уйида ўн беш фоҳиша ҳеч нарсадан тап — тортмай мижозларига "ҳалол хизмат" қилиб юришган экан. "Ҳожатбарор" Зоя хонимга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Мажмуасининг 219 моддаси бўйича жиноий иш қўзғатилди. Шаҳар милицияси шу давр мобайнида Тошкентдаги ОИТС маркази билан 481 фуқарони, шунинг ичида ажнабийлар билан доимо пала-партиш алоқада бўладиган, ОИТСга чалинишга гумондор 15 нафар енгил табиатли аёллар аниқланиб текширувдан ўтказди. Шу касалликка чалинган бир чет эл фуқароси мамлакатимиздан чиқариб юборилди.

Шаҳримиздаги "Умид" фирмасида ижарачи бўлиб ишловчи жаноб Христофор Ксакяннинг ҳам ўзига яраша "тирикчилиги" бор экан. Христофор беҳаё фильмлар тасмасининг мумай пул келтиришини билар экану, аммо маънавиятимиз кушандаси эканлигини унутибди.

Светлана Скосирева метронинг М. Горький бекатида "Секс Дайджест" порнографик газетасини қонунга зид равишда пуллаётганида қўлга тушди. Беҳаёлик билан боғлиқ бўлган адабиёт, сурат, видеотасмаларни тарқатаётганлар устидан шу йилнинг ярим йили ичида саккизта жиноий иш қўзғатилди.

Ҳаёт нақадар гўзал. У инсонга бир марта берилади, холос. Шу бир тутамгина умримизни ҳалол, покиза ўтказишда ҳикмат кўп. Шуларни ўйлар эканман, машҳур рассомнинг она ва бола сурати кўз олдимга келади. Зеро, она ва боланинг бахтиёрлигидан гўзал нарса борми дунёда?

Мирза АБДУЛЛАЕВ, Тошкент шаҳар ИИБ матбуот гуруҳи ходими, милиция катта лейтенанти.

КЕЛАЖАКНИ СЕЗДИРАДИ

- **Беҳбудий яшаган кўча**
- **Гулдан атир сочилаверар...**
- **Хаёлда йўқ нарсалар**

СИЗ КУТМАГАН ФИКР

МАШРАБНИ КИМ ОСГАН?

Бу борада ҳамма бир овоздан Қундуз ва Балх ҳокими Маҳмуд Қатағон, дейди. Лекин масала бир оз бошқача бўлиб, Маҳмуд Қатағон исноднга қолган, холос.

Шоҳ Машраб пири Офоқ Ҳожа (1625—1695) вафот этгач, халифа сифатида кишиларни тасаввуфга таррғиб қилиш ва ўзининг Мансурона қарашларини ёйиш билан машғул бўлади. Натижада оддий кишиларгина эмас, балки ўша замоннинг ҳукмдорлари ҳам Машрабга мурид бўладилар. Мисол учун, Хўжанд ҳокими Оқбўтабий Машрабни шоҳ сифатида билган. Чунки Машраб маънавиятнинг одил шоҳи, Ҳақнинг маҳбуби ҳисобланарди. Ана шундай ҳукмдор муридлардан бири **Маҳмуд Қатағон** эди. У Машрабни севарди, ҳатто унга деганки; **"Эй тақсир, ҳаддим бўлурму, сизнинг бир тола мўйингизни ҳам қилсам"** ("Қиссаи Машраб", 159-бет).

Маҳмуд Қатағон Машрабни Пирим, деб тан олади, унинг ҳаж харажатларини ҳам зиммасига олмоқчи бўлади. Лекин Машраб бир суҳбат чоғида Маҳмуд Қатағоннинг тахтига гўёки бавл қилган. Шунда вазир фарёд қилади: **"Эй подшоҳ, қайси ердан келган банги қаландарга ихлос қилибдурсиз. Фарғонан заминдан бир қаландар келиб, подшоҳ Маҳмуджоннинг тахтини нажосатга булғабдур, деган абадул-абад бадномликка қолурсиз"** (Шу манба, 160-бет). Бу ўт эдики, Машрабни дорга олиб борди. Ғофилларга айтилган бу сўзлар эзгулик фикрини ёқиб юбориб, жоҳиллик уруғига сув қуйди. Маҳмуд Қатағон бу ҳолнинг сабабини сўраганида, Машраб **"Ман сани тахтинга ўлтирган бўлсам нима бўлибдур, сен юртта ўлтурдинг"** деб жавоб беради. Ҳукмдор Машрабни жаллодга топширади.

Шу ўринда мана бу сирларни англаш керак:

1. Биз кўрган "Қиссаи Девони Машраб"нинг 1895 йилги нашрида бу вазирнинг номи **Бузрукхожа Бухорий** деб берилган. Ўша даврда Бухоро диний фанатик ўчоғига айланганди ва Машраб ҳам:

Бухороро Бухоро метавон гуфт.
Баҳорашро зимистон метавон гуфт.
Баҳоуддин набошад дар Бухоро
Фарангу кофиристон метавон гуфт

(Бухорони "Бу хоро" дейиш мумкин,
Баҳорини зимистон (қиш) дейиш мумкин,
Агарда Бухорода Баҳоуддин (Нақшбанд) бўлмаганида,
Уни фаранг ва кофирлар юрти дейиш мумкин), —

дея танқид қилганди. Афтидан, Машрабнинг ўлимига фатво берувчиларнинг бошлиғи ушбу Бузрукхожа Бухорийдир. Қатағон ҳукмга босим билан борган.

2. Шоҳ Машраб Маҳмуд Қатағон бошчилигидаги сарой аъёнларини кўнгил кўзини боғлаганди ва бу Машрабнинг жони чиққачгина очилади. Шунда Маҳмуд Қатағон аъёнларига таъна қилади: **"Ҳой дариғ, эй нонсофлар, сизлар манга дилҳоқ бўлғонларинг қайсидурки, анчайин бир ўғрини тилар эрдингизлар. Шундоғ авлиёни тиламадингизлар. Ман муроҳба қилиб, кўзимни қисиб айтмадимму?!** ("Қиссаи Машраб" 164-бет). Албатта, нафс гушналари учун бир валийдан кўра, ўзларидек бир ғофил афзалдир. Уларга авлиё не керак! Бу ўринда шуниси диққатга сазоворки, агарда бирор сир бўлмаганида "Қиссаи Машраб"нинг номаълум муаллифи бу эпизодни тасвирлаб ўтирмасди. Биз хулоса чиқаришда ҳамиша асосий рол ўйновчи ана шу Бузрукхожа Бухорийдек кишиларни беихтиёр эсдан чиқарамиз. Аслида балонинг сабабчилари ўшалардир. Бўлмаса, Маҳмуд Қатағондек подшонинг ўз Пирини ўлдиришдан бошқа иши йўқми?! Афтидан унинг олдига "зоҳиди хушк"лар аюҳаннос билан киришган.

3. Биз баъзан илмий хулоса чиқаришда ўзимизча бу каби халқ манбаларини писанд қилмаймиз. Ваҳоланки, кишини ўйлантириб қўядиган фикрнинг қаймоғи шу каби манбаларда жамдир. Қолаверса, Машраб ҳақидаги маноқибларда унинг ўлими тафсилоти бу қадар батафсил берилмайди.

4. Бордию Маҳмуд Қатағон иғвогарларнинг сўзига учиб, ҳукмга розилик берган бўлса ўз жазосини олди. Манбалар унинг Машраб ўлимидан уч кун ўтиб том босиб ўлганлигини сўзлайди. Лекин, Маҳмудни шу қўйга бошлаган бир ҳовуч ғофиллар нечун четда қолиши керак?

Мен фақат бир нарсага ачинаман: нега Пиру муридни бир-бирига зид қўямиз? Иккаласининг орасида туғилган зиддиятнинг сабабларини излашимиз маъқулроқдир.

Хулосам шуки, Машрабни Маҳмуд Қатағон эмас, балки бир ҳовуч гумроҳлар осишди. Қатағон уларнинг қўлида қўғирчоқ бўлиб қолди, холос. Мутахассислар ҳам бу борада ўз фикрларини айтишади, деб умиддаман.

Абдумалик ЁҚУБ, Тошкент Давлат университети ўқитувчиси.

Бош муҳаррир Ғаффор ҲОТАМОВ

Туркистон • TURKISTAN

Таъсис этувчи: ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ

газета 1925 йил 8 февралдан "Ёш ленинчи" номи билан чиқа бошлаган.

ТАҲРИРИЯТ:
хатлар ва оммавий ишлар — 32-54-65; ёшлар сиёсати ҳамда фан ва халқ таълими — 32-57-93; ижодкор ёшлар — 32-57-52; иқтисод, қишлоқ ёшлари, спорт ва ватанпарварлик — 32-55-81; ахборот ва бадиий безаш — 32-53-98; тижорат — 32-58-48; қабулхона — 32-56-58.

МАНЗИЛИМИЗ: 700084, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 2-уй. Нашр кўрсаткичи: 64607

Газетамиз ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

Қўлёзмалар ҳамда суратлар муаллифларга қайтарилмайди ва таҳлил этилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00012. Буюртма Г — 1097 39111 нусҳада босилди, ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 21.00.

Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. «ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Индекс: 64672.